

Ҳар бир мусулмон бир-бирининг ҳаққига яхшилик тилаб дуо қилиши лозим | Ўн тўққизинчи ҳақ



11:11 / 07.09.2025 858

Ҳар бир мусулмон ўзаро: фосиқ бўлганлари солиҳларнинг, солиҳ бўлганлари эса фосиқларининг ҳаққига яхшилик тилаб дуо қилиши лозим. Шундайки, фосиқ солиҳ биродарига қараганида: “Аллоҳим, солиҳ биродаримга яхшилик ва саодатдан қисмат қилган нарсаларингни у учун муборак ва ўша яхшиликда собитқадам қилиб, бизни ҳам ўша яхшилик билан манфаатлардир”. Солиҳ кимса фосиққа қараганида эса: “Аллоҳим, бу фосиқ биродаримни тўғри йўлга бошла ва тавбага муваффақ қилиб хатоларини кечир”, деб чин дилдан дуо қилиши керак.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг сўзларига биноан Аллоҳ таолонинг: "... ўз ораларида (мўминларга нисбатан) раҳм-шафқатлидирлар..." оятида (ана шундай) дуо қилишга ишора бор.

Абдулҳамид Зайриевнинг **“Мусулмоннинг ҳақ ва вазифалари”**
китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 январдаги 03-07/184-сонли хулоса хати асосида тайёрланди.